



НОКИМИ

ҲОКИМИ

287

ҚАРОР

2009 йил « 1 » апрел

№ 189-қ

Охак ишлаб чиқариш учун ер  
майдони ажратиш тугрисида

Ўзбекистон Республикаси «Ер Кодекси»нинг 6,23 моддасига асосан аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қуватлаш, уларга қулай шароитлар яратиш, туман аҳолисига янги иш уринлари яратиш мақсадида «Тутли» кишлоқ фуқаролари йиғинида яшовчи Хайитов Тожималик томонидан туман ҳокимлигига «Саҳоба ота» ширкат ҳужалиги ҳудудидан кишлоқ ҳужалигида фойдаланмайдиган яйлов ер майдонидан охак ва гипс ишлаб чиқариш цехини қуриш учун ер майдони ажратишга рухсат сураб ёзган аризаси ва «Тутли» кишлоқ фуқаролар йиғини қарори, «Саҳоба ота» ширкат ҳужалиги баённомаси ҳамда туман ер танлаш комиссиясининг 2009 йил 26 мартдаги далолатномасини қуриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туманнинг «Тутли» кишлоқ фуқаролари йиғинида яшовчи Хайитов Тожималик томонидан туман ҳокимлигига «Саҳоба ота» ширкат ҳужалиги ҳудудидан кишлоқ ҳужалигида фойдаланмайдиган яйлов ер майдонидан охак ва гипс ишлаб чиқариш цехини қуриш учун ер майдони ажратишга рухсат сураб ёзган аризаси ва «Тутли» кишлоқ фуқаролар йиғини қарори, «Саҳоба ота» ширкат ҳужалиги баённомаси ҳамда туман ер танлаш комиссиясининг 2009 йил 26 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2.Фуқаро Хайитов Тожималикга «Саҳоба ота» ширкат ҳужалиги ҳудудидан кишлоқ ҳужалигида фойдаланилмайдиган яйлов ер майдонидан охак ва гипс ишлаб чиқариш цехини қуриш учун 1177 контурдан 1,0 гектар ер майдони ажратиб берилсин.

3. Фуқаро Хайитов Тожималикга қуйдаги вазифалари юклатилсин:

- Белгиланган ер майдонидан охак ва гипс ишлаб чиқариш ишларини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларига асосан амалга ошириш;
- Ажратилган ер майдонида экологик ҳолатини сақлаш;
- Янги иш уринларини ташкил этиш ва аҳолининг жалб қилиш;
- Ҳудудни йиғилиб қолган чиқиндилардан тозалаш ишларини қилиш.

4.Фуқаро Хайитов Тожималикга ҳужжатларни расмийлаштириш ва ерни қабул қилиш далолатномаси орқали улчаб бериш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Н.Қуйлиевга топширилсин.

5.Ушбу ажратилган ер майдонига 2(икки) йил ичида қурилиш ишлари бошланмаса мазкур чиқарилган қарор уз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6.Ушбу қарорнинг тасдиғи «Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини қуриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссия»сидан суралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари 3.Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ж.Х.Ибрагимов.